



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАДАНИЙ МЕРОСНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

S.S.Matnazarov

*Huquqni muhofaza qilish
akademiyasi mustaqil tadqiqotchisi*

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида маданий меросни ҳимоя қилишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари, маданий мерос тушунчаси ва унинг бошқа ҳуқуқий тушунчалар билан боғлиқлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари, маданий мерос тушунчасининг юридик табиати ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар. *Madaniy merosni himoya qilish, prokuror nazorati, prokuror tekshiruvi, tekshirish obekti, tekshirish predmeti, prokuror nazorati hujjatilari.*

Аннотация. В статье описаны теоретические и правовые основы охраны культурного наследия в Республике Узбекистан, понятие культурного наследия и другие его правовые понятия, в связи с его специфическими особенностями, правовой природой понятия культурного наследия.

Ключевые слова. *Охрана культурного наследия, прокурорский надзор, прокурорская проверка, объект проверки, предмет проверки, акты прокурорского надзора.*

Annotation. *This article, the theoretical and legal foundations of the protection of cultural heritage in the Republic of Uzbekistan, the concept of cultural heritage and its connection with other legal concepts, its specific features, the legal nature of the concept of cultural heritage are discussed.*

Keywords. *Protection of cultural heritage, prosecutor's supervision, prosecutor's check, object of check, act of prosecutor's check.*

Маданий мерос ҳар бир миллатни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва ижодий шахсни камол топтириш, ўзини англаши учун фундамент, яъни асос сифатида хизмат қилади. У инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабхаларига кириб борган. Маданий мерос остида маданиятнинг ўтмишдаги аждодлар томонидан яратилиб, ҳар бир давлатнинг маданияти ва ўтмишининг улуғворлигини белгилаб беради.

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тоғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш бўйича прокуратура фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини тўғри аниқлаш ва уларни муҳофаза қилишни таъминловчи субъектлар доирасини аниқлаш учун, “маданий мерос” тушунчасининг ҳуқуқий ва илмий таърифларига тўхталиб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз.

“Маданий мерос” атамасининг биринчи марта 1972 йилда ЮНЕСКОнинг “Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш



тўғрисида”ги конвенциясининг 1-моддасида, куйидагича таъриф берилган: маданий мерос ёдгорликлар: меъморчилик, монументал ҳайкалтарошлик ва рангтасвир асарлари, археологик хусусиятга эга элементлар ёки иншоотлар, тарих, санъат ёки фан нуқтаи назаридан ажойиб умуминсоний аҳамиятга эга бўлган ёзувлар, ғорлар ва элементлар гуруҳлари; ансамбллар - архитектураси, бирлиги ёки ландшафт билан дахлдор тарих, санъат ёки фан нуқтаи назаридан ажойиб умуминсоний аҳамиятга эга бўлган алоҳида ёки бирлаштирилган бинолар гуруҳлари;

Диққатга сазовор жойлар: инсон асарлари ёки инсон ва табиат уйғунлигида яратилган кўшма ижодлари, шунингдек, тарих, эстетика, этнология ёки антропология нуқтаи назаридан ажойиб умуминсоний аҳамиятга эга бўлган худудлар, шу жумладан археологик ёдгорликлар.

“Маданий мерос” атамасининг моҳиятини кўп рус тадқиқотчилар “маданий қадриятлар” атамаси билан солиштирадilar. Яъни баъзи олимлар “Маданий мерос” атамаси ўрнига “Маданий қадрият” атамасини ҳам ишлатган. Мисол учун, **Э.В. Медведев** ўзининг “Маданий қадриятлар давлат ҳуқуқий тартибга солиш субъекти сифатида” мақоласида “маданий қадриятлар” тушунчасига куйидагича таъриф беради: Маълум бир тарихий даврда, инсон ҳаётинининг исталган соҳасида эришган юксак ютуқларини акс эттирувчи ноёб ижод намуналари бўлиб, умуммиллий ёки умуминсоний маданий аҳамият касб этувчи ва қонун билан алоҳида ҳимояланган интеллектуал меҳнатнинг ашёлари ёки натижалари” деб таърифлаган¹.

Рйбак К.Э. “Меърий тизимдаги музей (тарихий-маданий таҳлил)” асарида маданий меросни моддий ва маънавий объектлар бирикмаси сифатида тасвирлаган. “Маданий мерос, - деб ёзади у, - моддий маданият объектлари ва жойлашувидан қатъи назар, инсон ва табиатнинг биргаликдаги ижоди, шунингдек, маҳаллий маданиятларни сақлаш ва маданият (санъат, фан) учун умумбашарий қадрият ва маданий хилма-хилликка бағрикенглик ва инсон ижодини рағбатлантириш ҳамда ривожлантириш учун муҳим бўлган маънавий маданият объектлари мажмуидир²”.

¹ Медведев Е.В. «Культурные ценности как предмет государственноправового регулирования» // Юридическая научная библиотека издательства «СПАРК» - 2004., 128-139-бет.

² Рыбак К.Е. «Музей в нормативной системе (Историко-культурный анализ)» Автореф. Дис. Доктора культ. Наук., 24.00.03, Москва - 2006., 3-бет



Бир қатор олимлар юқоридаги тушунчаларни фалсафий ва маданий нуқтаи назарни кўриб чиқадилар. **А.П.Сергеев**нинг таъкидлашича: **“Маданий қадриятлар”** - бу умуминсоний меҳнат маҳсули бўлиб, жамият учун муҳим бўлган, тарихий, илмий, бадиий ёки бошқа маданий аҳамият касб этувчи, шунингдек турли авлодлар ўртасида боғловчи бўлиб хизмат қиладиган, қонун билан алоҳида ҳимояланган инсон фаолиятининг моддий натижалари ҳисобланади³.

А.А. Копсергенова ўз асариди маданий мероси жамиятнинг барча маданий ютуқлари, унинг ижтимоий хотира арсеналида сақланиб қолган тарихий тажрибаси йиғиндиси сифатида тушунтиради: “Маданий мероснинг моҳияти аввалги авлодлар томонидан яратилган ва маданий генофондни сақлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган маданий тараққиётнинг кейинги ривожланишига ҳисса қўшадиган қадриятлардир⁴”.

Бироқ, баъзи олимлар маданий мерос маданий қадриятлар ва маданий мерос объектлари ўртасида оралик позицияни эгаллайди, деб ҳисоблашади. “Маданий мерос ва маданий қадриятлар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, маданий мерос доимо қадимийлик хусусиятига эга⁵. Ушбу тушунчалар ўртасидаги муносабатни куйидагича ифодалаш мумкин: ҳар бир маданий қадриятни маданий меросга киритиш мумкин эмас, аммо маданий меросга тегишли ҳамма нарса маданий қадриятдир.

А.Н.Панфилов маданий меросининг ўзига хос хусусиятларига куйидагиларни нисбат беради⁶:

1. антропогенлик (маданий қадрият инсон ижодий фаолияти натижасидир);
2. муайян жамият учун катта маданий аҳамиятга эгаллик қилиш (тарихий, бадиий, илмий ва бошқалар);
3. ҳақиқийлик (ҳақиқийлик бўлмаганда субъект ёки объект ўз аҳамиятини йўқотади).

³ Сергеев А.П. Гражданско-правовая охрана культурных ценностей в СССР. Л.: Издательство Ленинградского университета - 1990.

⁴ Копсергенова А.А. Культурное наследие: философские аспекты анализа: Дис. канд. философ.наук: 09.00.13. Ставрополь - 2008., 184 –бет..

⁵ Khalikov, S., Liu, W., Turaeva, M., & Achilova, L. (2021). Uzbekistan's development under the leadership of various political reforms: The case of air transport industry. The Open Transportation Journal, 15(1).

⁶ Панфилов А.Н. Культурные ценности и объекты культурного наследия: проблема унификации понятий (часть 1) // Право и политика, №2 – 2011.



“Маданий мерос объекти” (“тарих ва маданият ёдгорлиги”) тушунчасига илмий таъриф бериш муаммоси илмий тадқиқотларда бир неча бор кўриб чиқилган.

Маданий мерос объектлари сифатида маданий кадриятлар ўзларининг хилма-хиллиги туфайли турли сабабларга кўра мақсадига қараб таснифланиши мумкин:

- ер билан алоқалар (ҳаракатланувчи, кўчмас),
- айланма қуввати;
- материал;
- яратилиш вақти ва жойи;
- муҳофаза режими.

И.Г. Бойко фикрига кўра, маданий мерос объектларини бошқа маданий кадриятлардан ажратиб турадиган асосий (аниқловчи) белгилари “кўчмас мулк” ва “рўйхатга олиш”ни ўз ичига олиши керак⁷.

Медведев Э.В. “маданий кадрият” объектини аниқлаш учун қуйидаги хусусиятларни белгилайди: уларнинг инсон фаолияти билан шартлилиги ёки у билан яқин муносабатлар; ўзига хослик; умумийлик; жамият учун алоҳида аҳамиятга эга; ёши; мулкий характерга эга бўлиши лозим.

Маданий мерос объектлари энг тўлиқ таъриф **Т.Б.Собитов** томонидан берилган унга кўра, Маданий мерос “тарих, археология, шаҳарсозлик ва архитектура ёдгорликлари, санъат ёдгорликлари, ҳужжатли ёдгорликлар ва бошқа тарих ва маданият ёдгорликларин ҳисобланади. Бундан ташқари, мантиқан ажратилиб, маданий бойликларни кўчар ва кўчмас мулкларга бўлади. Муҳимлик даражасига кўра, у жаҳон, миллий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кадриятларга бўлинган⁸.

Т.Б.Собитов ўз фикрини давом эттириб, тарих ва маданият ёдгорликлари, айниқса, кўчмас объектлар тарихий-маданий кадрият мавжудлиги билан бир қаторда, улардан турли мақсадларда фойдаланиш имкониятлари ҳам бор. Улар мақсадига кўра қуйидаги тарихий ва маданий ёдгорликларга бўлинади:

⁷ Бойко И.Г. Культурные ценности и объема культурного наследия : проблема унификации понятий // Институт сферы обслуживания и предпринимательства (филиал) Донского государственного университета, Шахты - 2014г.

⁸ Собитов Т.Р. Понятие и виды культурных ценностей по российскому законодательству // Южноуральский юридический вестник №3. – 2000, 2 ва 9-бетлар.



- фақат маданий ва маърифий мақсадларда ҳамда фан вазифаларида фойдаланиш мумкин бўлган ёдгорликлар⁹;
- фақат музейлар, маданий-маърифий ва таълим ташкилотлари фойдаланиши мумкин бўлган ёдгорликлар¹⁰;
- функционал мақсадини сақлаб қолган ва фойдаланиш мумкин бўлган ёдгорликлар;
- функционал ва тарихий аҳамиятини йўқотган, тузатиб бўлмайдиган йўқотишларга учраган обидалар.

Академик **Д.С.Лихачев** мероснинг асосий компоненти сифатида ахборот-ва вақтга эътибор қаратади. У ўзининг “Маданият ҳуқуқлари декларацияси” асарида у маданий мероснинг қуйидаги таркибий қисмлари сифатида “тил, идеаллар, удумлар, урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар, байрамлар, унутилмас саналар, фолклор, халқ амалий санъати ва амалий санъати; санъат асарларига урғу беради¹¹.

Маданий мерос объектлари орасида қуйидаги турларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Бинолар - тарихий ҳодисаларнинг далиллари сақланиб қолган табиий элементлар ёки сунъий элементлар билан биргаликда меъморчилик ва муҳандислик санъати асарлари;

2. Комплекслар (ансамбллар) - ҳар хил тузилмалар мажмуи ўз архитектурасида фарқ қилувчи йўналишлар; 3. Ажойиб жойлар - археологик, эстетик, этнографик, тарихий, бадиий, илмий ёки бадиий қимматини сақлаб қолган айрим ландшафтлар.

Маданий мерос атамасига ЮНЕСКО томонидан қуйидагича таъриф берилган: Маданий меросга турли хил кадриятлар, жумладан рамзий, тарихий, бадиий, эстетик, этнологик ёки антропологик, илмий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган артефактлар, ёдгорликлар, бинолар ва обидалар гуруҳи, музейлар киради. У маданий ва табиий мерос объектлари, ёки ёдгорликларига киритилган моддий меросни (кўчма, ҳаракациз ва сув ости),

⁹ Ачилова Л. ВЛИЯНИЕ СОХТД-19 НА ГОСТИНИЧНЫЕ УСЛУГИ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ. Review of law sciences (2020) 96-101 [Электронный ресурс] <https://cyberleninka.ru/article/n/vhyanie-covid-19-na-gostinichnye-uslugi-natsionalnyy-i-zarubezhnyy-opyt>

¹⁰ Ruzinazarov, S., & Achilova, L. (2017). Actual issues of improving legislation on commitments causes of harm. Review of law sciences, 1(1), 21.

¹¹ Сабитов Т.Р. Понятие и виды культурных ценностей по российскому законодательству // Южноуральский юридический вестник №3. – 2000, 2 ва 9-бетлар.



номоддий маданий меросни (НММ) ўз ичига олади. Таъриф фестиваллар, байрамлар ва бошқалар каби бошқа маданий соҳаларга тегишли НХХни ўз ичига олмайди. У саноат мероси ва ғор расмларини қамраб олади¹². **Ушбу атамага ўзбек қонунчилигида таъриф берилмаган.**

Ўзбекистон Республикасининг “**Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида**”ги Қонунинг 4-моддасига кўра, Моддий маданий мерос объектлари бутун мамлакат тарихи ва маданияти учун алоҳида аҳамиятга молик тарихий, илмий, меъморий, бадий ва мемориал қимматга эга бўлган республика аҳамиятидаги моддий маданий мерос объектлари ва вилоят, туман, шаҳар тарихи ва маданияти учун алоҳида аҳамиятга молик тарихий, илмий, меъморий, бадий ва мемориал қимматга эга бўлган маҳаллий аҳамиятдаги моддий маданий мерос объектларига бўлинади.

Ушбу қонуннинг 3-моддасида эса, маданий мерос объектларининг турлари кўрсатилган унга кўра:

ансамбллар - тарихан таркиб топган ҳудудда аниқ кўзга ташланадиган, атроф манзараси билан умумийлиги ёки алоқадорлиги тарихий, археологик, меъморий, эстетик ёки ижтимоий-маданий қимматга эга бўлган, ижтимоий, маъмурий, диний, илмий, ўқув-таълим, истехком, сарой, тураржой, савдо, ишлаб чиқариш ва бошқа аҳамиятга молик ҳамда рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати¹³, меъморчилик асарлари билан боғлиқликда алоҳида ёки ўзаро биргаликда турган ёдгорликлар, иморатлар ва иншоотлар гуруҳлари, шунингдек тарихий тархларнинг ҳамда манзилгоҳлар иморатларининг қолдиқлари, ландшафт архитектураси ва боғ-роғ санъати асарлари (боғлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар)¹⁴;

диққатга сазовор жойлар — инсон ва табиат ижодининг муштарак маҳсули, шунингдек тарихий, археологик, шаҳарсозлик, эстетик, этнологик ёки антропологик қимматга эга бўлган ҳудудлар, шу жумладан халқ хунарамандчилиги масканлари, тарихий манзилгоҳлар ёки шаҳарсозлик тарҳи

¹² Cultural heritage <http://uis.unesco.org/en/glossary-term/cultural-heritage> (murojaat sanasi 21.04.2022)

¹³ Ачилова Л.И. Правовая организация возмездного оказания гостиничных услуг. Актуальные проблемы юриспруденции. Инновационные подходы в современной науке: сб. ст. по материалам XXVIII Международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы юриспруденции». -№ 11(27). - Новосибирск. Изд. «Сибак». 2019. С.25-31.

¹⁴ Achilova, L. (2020). Genesis of sources of legal regulation of relations in the provision of hotel services. Результаты научных исследований в условиях пандемии (COVID-19), 1(06), 101-106.



марказлари ва тарихий (шу жумладан ҳарбий) воқеалар, ёдгорликлар, атоқли тарихий шахсларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган иморатлар¹⁵, хотира жойлари, табиий ландшафтлар, шунингдек кўҳна шаҳарлар, шахристонлар, манзилгоҳлар, қароргоҳлар иморатларининг маданий қатламлари, қолдиқлари, маросимлар бажо этиладиган жойлар;

ёдгорликлар - тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган айрим иморатлар, бинолар ва иншоотлар, улар билан боғлиқ бўлган рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати асарлари ҳамда шу иморатлар, бинолар ва иншоотларнинг тарихан таркиб топган ҳудудлари, шунингдек мемориал уйлар, квартиралар, қабристонлар, мақбаралар ва айрим қабрлар, монументал санъат асарлари, фан ва техника (шу жумладан ҳарбий техника) объектлари, антропология, этнография, нумизматика, эпиграфика, картография, фотография материаллари, кинофилмлар, аудио, видео ёзувлар ҳамда бошқа жисмлардаги ёзувлар, адабиёт ва санъат асарлари, архив, қўлёзма ва чизма ҳужжатлар, қадимги қўлёзма китоблар, ҳарф териш усулида чиқарилган дастлабки китоблар, нодир ва ноёб нашрлар, ноталар, муқаддас буюмлар ва мемориал хусусиятга эга бўлган ашёлар, тош ҳайкаллар, қояга ўйиб солинган тасвирлар, археология ёдгорликлари;

маданий мерос объектлари — моддий ва номоддий маданий мерос объектлари;

моддий маданий мерос объектлари — тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар;

номоддий маданий мерос объектлари - тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек улар ҳамда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар¹⁶, артефактлар, маданий маконлар.

Юқоридаги таърифдан кўриниб турибдики, маданий мерос объекти қуйидаги хусусиятларга эга:

¹⁵ Ачилова Л.И. Определение субъектов и объектов правового регулирования в сфере оказания гостиничных услуг. Modern science and technology со. ст. II Международной научно-практической конференции (20 февраля 2020 г.). - Петрозаводск. МЦНП. «Новая наука». 2020. С. 107-112.

¹⁶ Ачилова, Л. (2021). ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА САНОАТИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ. ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ, 2(6), 92-98.



1. муайян маданий қадриятни ифодалайди;
2. кўчмас мулк объекти (айрим ҳолларда кўчар мулк объекти);

Ҳуқуқий адабиётларда маданий мерос объектларининг ушбу икки хусусиятини кўриб чиқишга эътибор қаратилган.

Иккинчи муҳим масала, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сон қарори билан тасдиқланган Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари Миллий рўйхати тасдиқланган.

“Кўчмас мулк” атамасининг ҳуқуқий таърифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 83-моддаси 2-бандида мавжуд бўлиб, унга кўра, кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради.

22.12.2000 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг “**Давлат кадастрлари тўғрисида**”ги қонунининг талабларига мувофиқ унинг давлат кадастрини рўйхатга олиш тартибини белгилаб беради.

Кўчмас мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган “бино”, “иншоот” атамалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.12.2018 йилдаги 1060-сонли кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан тартибга солинади.

Унга кўра, **бино** — функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажмни ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

иншоот — ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юклар ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат, ер тепасида, ер юзасида ва ер остида ҳажмли, ясси ёки чизик тарзида жойлашган қурилиш тизими.

Шундай қилиб, “маданий мерос” кўп қиррали тушунча бўлиб, мавжуд таърифларнинг барча хилма-хиллиги билан бирга, у ҳали ҳам бутунлай бир маъноли эмас. Унинг таърифининг умумий назарий ривожланиши билан ва



тузилмалар, амалда юкоридаги ёндашувлар, объектлар ва турлар орасидаги чегаралар ноаниқлигича қолмоқда.

Инсониятнинг кўп асрлик сивилизация таракқиёти маданий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтириш зарурлигини кўрсатди. Бу жамият ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бири ва узлуксиз жараён бўлиб, фаоллик, мақсадга мувофиқлик ва бошқарувни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Медведев Е.В. «Культурные ценности как предмет государственноправового регулирования» // Юридическая научная библиотека издательства «СПАРК» - 2004., 128-139-бет.
2. Рыбак К.Е. «Музей в нормативной системе (Историко-культурный анализ)» Автореф. Дис. Доктора культ. Наук., 24.00.03, Москва - 2006., 3-бет
3. Abdurahmanova, M. T., & Rayimjonova, M. M. (2021). PARALLEL KORPUSLARDA TARJIMA MASALASI. Global Science and Innovations: Central Asia (см. в книгах), 2(9), 47-50.
4. Копсергенова А.А. Культурное наследие: философские аспекты анализа: Дис. канд. философ.наук: 09.00.13. Ставрополь - 2008., 184 –бет.
5. Abdurahmanova, M., & Rahmanova, A. (2021). КОРПУС ЛИНГВИСТИКАСИДА ПОЛИСЕМИЯ. COMPUTER LINGUISTICS: PROBLEMS, SOLUTIONS, PROSPECTS, 1(1).
6. Achilova, L. (2020). Genesis of sources of legal regulation of relations in the provision of hotel services. Результаты научных исследований в условиях пандемии (COVID-19), 1(06), 101-106.
7. Ачилова, Л. (2021). ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА САНОАТИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ. ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ, 2(6), 92-98.
8. Tursunaliyevna, A. M. (2021, August). OCCASIONALISM AND THEIR ARTISTIC AND AESTHETIC FUNCTIONS. In " ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM (pp. 19-23).
9. Achilova, L. (2020). Genesis of sources of legal regulation of relations in the provision of hotel services. Результаты научных исследований в условиях пандемии (COVID-19), 1(06), 101-106.
10. Ruzinazarov, S., & Achilova, L. (2017). Actual issues of improving legislation on commitments causes of harm. Review of law sciences, 1(1), 21.
11. Khalikov, S., Liu, W., Turaeva, M., & Achilova, L. (2021). Uzbekistan's development under the leadership of various political reforms: The case of air transport industry. The Open Transportation Journal, 15(1).



12. Ачилова Л.И. Правовая организация возмездного оказания гостиничных услуг. Актуальные проблемы юриспруденции. Инновационные подходы в современной науке: сб. ст. по материалам XXVIII Международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы юриспруденции». - № 11(27). - Новосибирск. Изд. «Сибак». 2019. С.25-31.
13. Сабитов Т.Р. Понятие и виды культурных ценностей по российскому законодательству // Южноуральский юридический вестник №3. – 2000, 2 ва 9-бетлар.
14. Сабитов Т.Р. Понятие и виды культурных ценностей по российскому законодательству // Южноуральский юридический вестник №3. – 2000, 2 ва 9-бетлар.
15. Abdurahmanova, M. (2021). LEGAL FUNDAMENTALS OF LAND RESOURCES OF USANCE TO ACHIEVE ECONOMIC EFFICIENCY. Экономика и финансы (Узбекистан), (Спецвыпуск 4), 187-189.
16. Ачилова Л. ВЛИЯНИЕ СОХТД-19 НА ГОСТИНИЧНЫЕ УСЛУГИ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ. Review of law sciences (2020) 96-101 [Электронный ресурс] <https://cyberleninka.ru/article/n/vliyaniye-covid-19-na-gostinichnye-uslugi-natsionalnyy-i-zarubezhnyy-opyt>
17. Ачилова Л.И. Определение субъектов и объектов правового регулирования в сфере оказания гостиничных услуг. Modern science and technology со. ст. II Международной научно-практической конференции (20 февраля 2020 г.). - Петрозаводск. МЦНП. «Новая наука». 2020. С. 107-112.